

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ
“МАГИСТРАТУРА” БЎЛИМИ
“МАРКЕТИНГ” КАФЕДРАСИ**

Кўлёзма ҳуқуқида
УДК: 339.138:338.46(575.1)

ЮСУПОВ БАХРОМ ЮНУСБАЕВИЧ

**Хизмат кўрсатиш бозорида маркетинг тадқиқотларини
такомиллаштириш**

5A230401- "Маркетинг (товарлар ва хизматлар)" мутахассислиги

Магистр
академик даражасини олиш учун ёзилган
диссертация

Илмий раҳбар: и.ф.н.доц. Юсупов М.А.

ТОШКЕНТ – 2018

Диссертация ишида хизмат кўрсатиш корхоналари фаолиятини ривожлантиришда маркетинг тадқиқотларидан фойдаланишнинг назарий ва услубий асослари ўрганилган "Файз" МЧЖ шаклидаги кўшма корхонасининг маркетинг ва рақобатбардошлик тахлили берилган, кўшма корхонада маркетинг тадқиқотларида фойдаланиш бўйича амалий тавсиялар ишлаб чиқилган.

Marketing and competitiveness analysis of the joint venture "Fayz" LTD was developed, which developed the theoretical and methodological foundations of the use of marketing research in the development of service enterprises in the dissertation work, developed practical recommendations for the use of a joint venture in marketing research.

Диссертация иши "Маркетинг" кафедрасидан дастлабки ҳимоядан 2018 йил "16" май 14 -сонли баённома билан ўтган.

Илмий
рахбар: и.ф.н.доц. Юсупов М.А.


ИМЗО

12.05.2018
ой, кун

Магистр: Юсупов Б.Ю.


ИМЗО

12.05.2018
ой, кун

Мундарижа

| | |
|--|-----------|
| Кириш..... | 4 |
| 1-БОБ Хизмат кўрсатиш бозорида маркетинг тадқиқотларининг назарий ва услубий асослари | 10 |
| 1.1 Хизмат кўрсатиш корхоналари фаолиятида маркетинг тадқиқотлари, уларнинг мазмуни ва моҳияти..... | 10 |
| 1.2 Хизмат кўрсатиш корхоналари фаолиятида маркетинг тадқиқотларини ўтказиш усуллари ва унинг ўзига хос хусусиятлари..... | 16 |
| 1.3 Хизмат кўрсатиш корхоналарида маркетинг тадқиқотларининг услубий асослари..... | 20 |
| Биринчи боб бўйича хулоса..... | 28 |
| 2-БОБ “Файз” масъулияти чекланган жамияти шаклидаги қўшма корхонасининг маркетинг ва хўжалик фаолияти таҳлили.... | 30 |
| 2.1 “Файз” масъулияти чекланган жамияти шаклидаги қўшма корхонасининг хўжалик фаолиятига иқтисодий тавсифнома..... | 30 |
| 2.2 “Файз” масъулияти чекланган жамияти шаклидаги қўшма корхонасининг маркетинг тадқиқотларини ташкил этиш ҳолати таҳлили..... | 37 |
| 2.3 “Файз” масъулияти чекланган жамияти шаклидаги қўшма корхонасининг рақобатбардошлиги таҳлили..... | 42 |
| Иккинчи боб бўйича хулоса..... | 49 |
| 3-БОБ “Файз” масъулияти чекланган жамияти шаклидаги қўшма корхонасининг фаолиятини ривожлантиришда маркетинг тадқиқотларини такомиллаштириш..... | 49 |
| 3.1 “Файз” масъулияти чекланган жамияти шаклидаги қўшма корхонасида маркетинг тадқиқотларидан фойдаланиш йўллари. | 49 |
| 3.2 “Файз” масъулияти чекланган жамияти шаклидаги қўшма корхонасида маркетинг фаолиятини такомиллаштириш..... | 54 |
| Учинчи боб бўйича хулоса..... | 59 |
| ХУЛОСА | 61 |
| Фойдаланилган адабиётлар рўйхати..... | 67 |

КИРИШ

Магистрлик диссертацияси мавзусининг долзарблиги ва асосланиши. Мамлакатимизда инновацион иқтисодиётни шакллантириш шароитида истеъмол бозорини ривожлантириш, аҳолининг ўсиб бораётган талаб ва эҳтиёжларини тўла-тўқис кондириш чора-тадбирларига эътибор қаратиш муҳим аҳамиятга эга. Бундай шароитда хизмат кўрсатиш корхоналари фаолиятини маркетинг тизими асосида ривожлантиришни тақозо этади.

2017 – 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида иқтисодиётнинг хизмат кўрсатиш соҳасини жадал ривожлантириш вазифаси қўйилган.

2017 йилда мамлакат ялпи ички маҳсулотининг 5,3 фоиз, саноат ишлаб чиқариш ҳажми – 7 фоиз, қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги – 2 фоиз, хизматлар – 8,9 фоиз ҳамда қурилиш – 5,6 фоиз ўсиши таъминланди¹.

Хизматлар соҳаси тез ривожланаётган иқтисодиёт тармоқларининг энг истиқболларидандир. Унга савдо соҳасидан, тортиб то транспорт, молия, суғурта, воситачилик ва ҳоказолар киради.

Бугунги кунда хўжалик юритувчи субъектлари фаолиятининг, биринчи навбатда ишлаб чиқариш билан истеъмолчи муносабатларининг эркин рақобат остида йўлга қўйилиши, шунингдек, бозор субъектлари фаолиятининг ҳар бир имконият ва ресурслардан самарали фойдаланиши ҳисобига ташкил этилишига эришиш шу куннинг талабларидан биридир. Шунинг учун ҳам кейинги пайтларда хизмат кўрсатиш корхоналари учун ўз фаолиятини маркетинг тадқиқотларига амал қилган ҳолда истеъмол товарларига бўлган талабни ўрганиш ва уни прогноз қилиш ҳамда бозорда ўз ўрнини топиш, бозорни эгаллаш каби масалаларга эътибор бериш жуда муҳим бўлиб бормоқда. Шунини таъкидлаш жоизки, кейинги йилларда ишлаб

¹ Давлаб бюджетининг 2017 йилдаги ва 2018 йилнинг биринчи чораги ижроси. Халқ сўзи, 2018 йил 1 июнь, №112.